

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ
«АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» КАФЕДРАСИ**

«ҲИМОЯГА»

Кафедра мудири

« ____ » _____ 2014 й

Ўзбекистон Таэквон-До Федерацияси Марказининг расмий веб-

сайтини яратиш

МАВЗУСИДА

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

БИТИРУВЧИ:

Ахмедов.У

612-10 гуруҳ талабаси

Фарғона – 2014 йил АННОТАЦИЯ

Информатика ва Ахборот технологиялари йўналиши талабаси Насриддинов Мухаммадали томонидан тайёрланган Ўзбекистон Таеквон-до Федерацияси Марказининг расмий веб сайтини яратиш мавзусидаги битирув малакавий ишига аннотация.

Ушбу малакавий иш замонавий компьютер ва веб дастурлаш тили имкониятларидан кенг кўламда фойдаланган ҳолда PHP дастурлаш тили муҳитида яратилди. Битирув малакавий иши кириш қисми, аналитик қисм, лойиҳа қисми, тадбик қилишни ташкил қилиш ва лойиҳа самарадорлиги, меҳнат муҳофазаси қисми, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан ташкил топган.

Кириш қисмида информацион технологиялар ва уларнинг жамиятимизда тутган ўрни ҳақида сўз юритилади.

Аналитик қисмда PHP дастурлаш тили ва уни бугунги интернет сайтларини яратиш жараёнидаги аҳамияти, HTML ва CSS ҳақида маълумот, PHP технологияларида маълумотлар базасини яратиш ҳақида сўз юритилади.

Битирув малакавий ишининг лойиҳа қисмида амалий масалалар кўриб ўтилган бўлиб, у уч бўлимдан иборат. Веб сайтни яратишда Веб сайт учун техник топширик биринчи бўлимида берилган. Иккинчи бўлимда Ўзбекистон таеквон-до Федерацияси маркази веб сайтнинг имкониятлари ҳақида сўз юритилган. Учинчи бўлимларда сайтни яратиш ҳақида тўлиқ маълумот келтирилади.

Битирув малакавий ишининг амалиётга тадбиқи ҳақида 3(учинчи)-қисмда тўхталиб ўтилган. У икки бўлимдан иборат бўлиб, 1(биринчи)-бўлимда сайт бошқарув панели ҳақида батафсил маълумот бериб ўтилган бўлса, веб сайтнинг иккинчи бўлими эса сайтнинг қўшимча имкониятлари ҳақида тўлиқ маълумот бериб ўтади.

Мундарижа

| | |
|--|-----------|
| КИРИШ | 4 |
| I.АНАЛИТИК ҚИСМ..... | 8 |
| 1.1 РНР дастурлаш тили ва уни бугунги Интернет сайтларни яратиш жараёнидаги аҳамияти..... | 8 |
| 1.2 HTML ва CSS ҳақида маълумот..... | 20 |
| 1.3 РНР технологияларида маълумотлар базасини яратиш..... | 26 |
| II. ЛОЙИҲА ҚИСМИ..... | 33 |
| 2.1 Веб сайт учун техник топшириқ..... | 33 |
| 2.2.Ўзбекистон Таеквон-до Федерацияси Марказининг веб сайти учун маълумотлар базасини лойиҳалаштириш..... | 35 |
| 2.3. Сайтни яратиш..... | 37 |
| III. ТАДБИҚ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЛОЙИҲА САМАДОРЛИГИ | 48 |
| 3.1.Веб сайт бошқарув панели | 48 |
| 3.2. Ўзбекистон Таеквон-до Федерацияси Маркази веб сайтининг имкониятлари..... | 54 |
| IV.МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ | 56 |
| V.ХУЛОСА | 74 |
| VI.Фойдаланилган адабиётлар | 75 |
| VII. ИЛОВА | 76 |

КИРИШ

Инсоният ўзининг фаолиятида ахборотларни қабул қилиш, йиғиш, сақлаш, узатиш ва ишлов бериш жараёнлари билан шуғулланади. Ахборотлар устидан олиб бориладиган жараёнлар мажмуасини - технология, кашфиёт этилган компьютерлардан унумли фойдаланишни - ахборот технологиялари деб атасак, ўз-ўзидан тушунарлики, учинчи минг йиллик бошларидаги технологияларни - юқори технологиялар деб номласак мантиққа тўғри келади.

Учинчи минг йилликнинг бошларидаги замонавий жамият ўзига ҳос катор хусусиятлар билан характерланади. Ушбу ўзига хосликка биринчи навбатда глобал масштабдаги ахборотларга ишлов беришга асосланган интеллектуал меҳнат моҳиятининг ўсиши сабаб бўлди.

Жамият тараққиёти таълим тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг бош муаммоси - муттасил ўсиб бораётган билимлар ҳажмини инсон томонидан ўзлаштириб бориш ёки тобора ортиб бораётган ахборот оқимида тўғри йўл топа билиш йўллари излашгина эмас, балки тўпланган ахборотлар маконидан оқилона фойдалана билиш, кундалик ҳаётга, ўз касбига оид энг зарур билимларни саралаб олиш, таҳлилий ўзлаштириш, такомиллаштириш ва ривожлантириш муҳимдир.

Ахборотлар маконидан зарур билимларни олиш, таълим жараёнига тегишлиларини таҳлил этиш, янгиларини яратиш ва ишлаб чиқиш билим жараёнининг манбаи эканлигидан талаба ёшларимизнинг хабардор бўлгани маъқул.

Олимларнинг таъкидлашича, ахборотлашган жамиятда таълим тайёр ва умум қабул қилинган билимларни ўзлаштириш воситасигина бўлиб қолмаслиги керак, у алоҳида шахснинг бутун ҳаёти давомида ҳар бир хатти-ҳаракатида намоён бўладиган, атрофдагилар билан ахборот алмашув усули бўлмоғи керак. Ахборот нафақат ўзлаштиришни, балки, олинган ахборотга

жавобан янгилашни, узатишни, тақдим этишни, ишлаб чиқаришни ҳам талаб этади. Санаб ўтилган мақсадларни ҳаётга, жумладан, таълим тизимига тадбиқ этиш ёшларимиздан олдинда тўрган қатор янги вазифаларни ҳал этишни тақазо этади.

Инсониятнинг XX асрдаги энг буюк кашфиётларидан бири электрон ҳисоблаш машиналарининг, яни компьютерларнинг ихтиро қилинишидир деб бемалол айта олиш мумкин. Бунинг ҳам ўзига яраша бирмунча сабаблари бор албатта. Дастлабки компьютер XX асрнинг иккинчи ярми охирларида ихтиро қилинган бўлса ҳозирги кунга келиб, яни орадан 60 йилдан зиёдрок вақт ўтиб унинг бешинчи авлодлари ихтиро қилинди. Яна шуни ҳам бемалол айта олиш мумкинки ҳозирги кунга келиб жамиятимизни ҳар бир соҳасини компьютер технологияларисиз тасаввур қилишимиз мумкин эмас. Чунки ҳозирги кунда компьютер технологиялари, автоматика кириб бормаган халқ хўжалигининг бирон-бир соҳаси қолмади.

Бу борада яни компьютер технологияларини халқ хўжалигининг барча соҳаларига тадбиқ этиш, бугунги кунда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникациялар тармоқларини, маълумотлар узатишни, Интернет хизматларига кириб боришни ривожлантириш ва замонавийлаштириш республикамизда ҳам устувор ўринларга чиқмоқда.

Иқтидорли ёшлар иштирокида республикада Интернет-фестиваллар, Интернет-форумлар ўтказиш одат бўлиб қолди, шаҳарлар ва кишлоқларда Интернет тармоғидан жамоа бўлиб фойдаланиш (интернет сафе) пунктлари сони тобора кўпаймоқда, ахборот хизматлари турлари сезиларли даражада кенгаймоқда, уларнинг сервиси янада интеллектуалроқ бўлиб бормоқда.

Мамлакат Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов 2001 йил май ойида Олий Мажлиснинг V сессиясида сўзлаган нутқида компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ишлаб чиқаришга, мактаблар ва олий ўқув юртлари дастурларига, одамларнинг кундалик турмушига жорий этиш бўйича Ўзбекистоннинг юксак даражаларга эришиши юзасидан аниқ вазифаларни кўйди.

Жамиятни компьютерлаштириш, ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича вазифаларни хал этиш учун 2002 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» ги Фармони қабул қилинди. Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ахборотлаштиришнинг миллий тизимлари барпо этилишини, иқтисодиётга ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётига компьютер техникаси ва ахборот технологиялари оммавий жорий этилиши учун шарт-шароитларни таъминлайди, жаҳон бозорида мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлилигини оширади.

Президент Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди ва 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини тасдиқлади, уларда телекоммуникациялар ва малумотлар узатишни ривожлантириш, ресурслардан фойдаланиш, Интернет тармоғида ўз сайтларини яратишнинг мақсадли йўналишлари белгиланди.

Дастурий воситаларни ишлаб чиқиш, мамлакатimizнинг кунда компьютер техникаси ва буюмларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари биринчи даражали вазифалар этиб белгиланган. Шу муносабат билан компьютерлар ва улар учун бутловчи буюмлар, дастурий воситалар келтириш, ўқитиш ва ахборот хизматлари кўрсатиш бўйича бир қанча солиқ ва божхона имтиёзлари жорий этилади.

Қабул қилинган ҳужжатларда компьютерлаштириш ва ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг аниқ вазифалари олдинга кўйилган ва мақсадли йўналишлари ифодалар берилган. Жумладан Тошкент электротехника алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилди. Ушбу университетда янги мутахассисликларнинг, кенг доираси бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини анча кенгайтириш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, ўқув юртларининг моддий-техник ва илмий-тадқиқот базасини кенгайтириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар назарда тутилган.

Фармонда ва Ҳукумат қарорида белгиланган дастурий чора-тадбирларнинг амалда рўёбга чиқарилиши бошқарувнинг барча тармоқ ва минтақавий органларига, иқтисодиёт ва маданиятнинг барча соҳаларига, умуман жамиятга дахлдордир. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун махсус компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлайтириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил этилди. Жорий йилда Кенгашга 2010 йилгача бўлган даврда телекоммуникациялар ва малумотлар узатишнинг миллий тармоғини ривожлантириш; давлат бошқарувиغا электрон технологияларни жорий этиш; электрон тижоратни ривожлантириш бўйича дастурларни тайёрлаш топширилди..

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига айлантирилди, унга республикада ахборотлаштиришни ривожлантириш бўйича қўшимча функциялар юкланди. Ахборот хизматлари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш мақсадида компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази ташкил этилди.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар мамлакат иқтисодиёти самардорлиги ўсишида телекоммуникациялар, компьютер ва ахборот технологияларининг фаол роли ошишини, одамларнинг фаолияти ва турмуши техник қурилмалар ва хизматларнинг энг замонавий турлари билан жиҳозланишини таъминлаш, республиканинг жаҳон жараёнларига муваффақиятли интеграциялашуви имконини беради.

АНАЛИТИК ҚИСМ

1.1.РНР дастурлаш тили ва уни бугунги Интернет сайтларни яратиш жараёнидаги аҳамияти.

РНР ҳақида тушунча.

РНР–ўз номини етарлича танитиб улгурган дастурлаш тили ҳисобланади. Гап шундаки, бошланишда бу унча қийин бўлмаган шахсий Веб–саҳифаларини яратиш учун мўлжалланган оддий макрослар тўпламидан иборат бўлган бўлиб, РНР-personal home page (шахсий уй саҳифаси) сўзларининг қисқартмасидан иборат.

Вақт ўтиши билан макрослар тўплами мукамал дастурлаш тилига айланиб замонавий маълумотлар базаси билан маълумот алмашиш имкониятига эга бўлган ВЕБ тармоқ саҳифаларини яратувчи тилга айланди. Тилнинг имкониятлари кенгайгани сари унинг оммавийлиги ҳам ўсиб бормоқда. Netsfart (<http://www.netsfart.com>) компаниясининг маълумотларига кўра 1999 йил ноябр ойида РНР технологияси Веб тармоқларининг бир миллиондан ортиғидан фойдаланилган 2000 йил 1400000 тага етган.

РНР нинг 1-версияси Расмус Лердорф (Расмус Лердорф) исмли программист томонидан яратилган бўлиб, Веб саҳифаларини яратишни енгиллаштириш учун макрослар тўпламидан иборат бўлган.

Тез орада у фойдаланувчилар назарига туша бошлади, ҳамда тезлик билан такомиллашиб, оммалашиб борди. 1997 йилдан бу тил устида дастурчилар гуруҳи иш олиб боради.

Меҳнатларнинг самарасида эса РНР3 кейинги версия яратилди. Бу РНР нинг такомиллашган ва замонавий версия бўлиб, унда матнларининг қайта ишлашнинг янги усуллари яратилди ва бу усуллар Зиб Зураски ва энди Гутианс (Зеев, Сураскй, Анди Сеутманс) исмли дастурчилар томонидан яратилди. Шунингдек тилнинг синтаксисида бироз ўзгаришлар киритилиб, янги функциялар қўшилди. Янги версия шу даврда сервер учун дастурлаш тилларининг энг зўри ҳисобланиб, жуда ҳам тез оммалашиб кетди.

MySQL маълумотлар базаси ва Апече сервери билан ишлаш учун PHP нинг имкониятлари янада кенгайиб борди. Апече сервери ҳозирги кунда дунёдаги энг кенг тарқалган Веб -сервер ҳисобланади ва PHP тили Апече сервери учун модул кўринишида қўлланилиши мумкин. MySQL - бу замонавий маълумотлар базаси бўлиб пулсиз (текин) тарқатилади, шунинг учун ҳам PHP нинг барча функциялари шу базага боғланган. Тан олиш лозимки Апече, MySQL ва PHP ларнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқ равишда ишлаши ўртадаги рақобатга барҳам беради.

Бу эса PHP бошқа MBSI билан ишламайди дегани эмас. Бу технология жуда MBSI ва Веб серверлар билан ишлаш имкониятига эга.

Веб саҳифаларни ва тармоқни яратиш йўллари ўзгариши билан PHP ҳам такомиллаша борди. 1990 -йил ўрталарига келиб катта тармоқларда ҳам HTML да ёзилган юзлаб статик саҳифалар ишлатилар эди. Ҳозир эса жараён ўзгариб бормоқда. Веб саҳифаларини яратувчилар маълумотлар базаси билан ишловчи Веб саҳифаларни яратиш имконига эга бўлиб, фойдаланувчиларни қайта ишлаш имконига эга бўлган веб саҳифаларни яратмоқдалар.

Маълумотларни сақлаш ва маълумотларга мурожат қилиш учун маълумотлар базасидан фойдаланиш янада актуаллашиб, мобил телефонлар, рақамли телевидения ва ҳоказолар. Турли хил қурилмаларда маълумотларни узатишда сифатни ўсишига эришишмоқда.

Бу фикрлар асосида айтиш мумкинки, келгусида PHP тили янада такомиллашиб ўзининг ўта юқори даражадаги дастурлаш тили эканлигини намоён қилади.

PHP турли хил системаларда ишлай олади. У система Windows, UNIX нинг кўплаб версиялари, шунингдек Linux ва хатто Macintosh бўлиши мумкин. PHP кўплаб тармоқ серверларида, хусусан Апече, Microsoft Интернет Информацион Сервер, Веб Сите Про, Ипланет Веб Сервер ва Microsoft Персонал Веб Сервер – ларда ишлаши мумкин. Агар ўзимиз тузган дастурларимизни Windows тизимида текширишни хоҳласак охирги санаб

ўтилган сервердан фойдаланишимиз мумкин, ҳатто Апаче сервери Windows системаси бошқарувида ишласа ҳам.

PHP интерпретатори ёрдамида дастурни алоҳида мустақил кўринишда компиляция қилиш мумкин. У ҳолда дастурни мустақил ишга тушириш мумкин. PHP тилини яратишда маълумотлар базаси билан боғланиш талабларини алоҳида эътиборга олинган. Кўплаб маълумотлар базаларини PHP да ўқиш мумкин. Қисқагина PHP нинг тарихига назар солайлик.

PHP/FI

PHP бошқа продукт, PHP/FI ривожлантирилиши натижасида яратилди. PHP/FI 1995 йилда Расмус Лердорф томонидан ўзининг онлайн-резюмесига мурожаатни кузатиш учун Перл-сриптлар содда тўплами сифатида яратилди.

PHP 3

PHP 3.0 бугунги PHP га ўхшаган биринчи версия эди. Уни Анди Гутманс ва Зеев Сураски 1997 йилда тўла қайтадан ёзилган тил сифатида яратдилар, чунки улар PHP/FI 2.0 тилини ўзларининг ECOMMERCE-иловаларини яратиш учун етарли имкониятга эга эмас деб топдилар. Тилга PHP: Ҳипертехт Препроцессор деб ном берилди.

1998- йил охирига келиб PHP ўнг минглаб фойдаланувчилар ва юз минглаб Веб-сайтлар учун асос бўлиб қолди. Энг машхур бўлган пайтда PHP 3.0 тахминан Интернет Веб-серверларининг 10% га ўрнатилган эди .

PHP 3.0 расмий равишда 1998 йил июнида 9 ойлик ошқора тестлашдан сўнг чиқарилган эди.

PHP 4

1998 йил қишида PHP 3.0 расмий эълон қилингандан сўнг, Анди Гутманс ва Зеев Сураски катта амалий дастурлар билан ишлашда унумдорлигини ошириш ва PHP кодли базаси модуллигини ошириш мақсадида PHP ядросини қайта ишлашга киришдилар.

Янги машина, Зенд Энгинеъ (яратувчилар номлари асосида - Зеев ва Анди), бу масалаларни муваффақиятли ҳал қилди ва 1999 йил ўртасида пайдо бўлди. Бу машинага асосланган ва кўпчилик янги имкониятларга эга


бўлган PHP 4.0, расмий равишда 2000 йил майида, PHP 3.0 дан икки йил кейин чиқарилди.

Анча ошган унумдорликдан ташқари бу версияда PHP 4.0 қуйидаги имкониятларни киритди: катта сондаги Веб-серверлар, ХТТП-сессияларни қўллаш, чиқаришни буферлаш, фойдаланувчи киритиши билан хавфсиз ишлаш усуллари ва тилнинг турли янги конструкциялари.

Оддий сайт қандай принцип асосида ишлашини кўриб чиқамиз. Фойдаланувчи бирор-бир, масалан, page.html саҳифасига мурожаат қилди дейлик. Веб-сервер ўзидаги Веб-саҳифалар каталогини кўриб чиқади ва агар page.html бўлса, фойдаланувчига уни кўрсатади, акс ҳолда эса – 404-чи хабарни (“Файл топилмади”) етказади.

Динамик сайт эса бироз бошқача ишлайди. Фойдаланувчи бирор саҳифага мурожаат қилади, бироқ бу мурожаат дискдаги аниқ бир файлга эмас, балки сайт движокига (агар движок PHP тилида ёзилган бўлса, одатда бу файл INDEX.PHP бўлади) қаратилган бўлади. Движок фойдаланувчига керакли маълумотни бирор манбаадан (масалан, маълумотлар базаси ёки дискдаги файлдан) олади, уни HTML-саҳифага айлантиради ва Веб-серверга узатади, у эса ўз навбатида, фойдаланувчи браузерига жўнатади.

Унда яна бир савол туғилади: агар битта файлнинггина сўраб, уни браузерга узатиш мумкин бўлса, бунча мураккаблаштиришнинг ўзи нимага керак? Шунинг учунки, бу сайтни бошқариш қулай бўлсин. Айтайлик, сиз 100 саҳифалик (бу унчалик кўп эмас) оддий сайт яратдингиз. Эртами-кеч сиз бу сайт дизайнини, кўринишини ўзгартирмоқчи бўласиз. У ҳолда эса сиз шу 100 саҳифани қўлда ўзгартириб чиқишингизга тўғри келади. Устига-устак, сиз аввалига бу 100 саҳифани компьютерингиздаги локал серверга юклаб олишингиз, ундан сўнг таҳрирлаб, керакли ўзгартиришларни киритишингиз ва охирида яна серверга юклашингиз керак бўлади.



1.1.1- расм.(серверга юкланиш)

PHP тили асослари

PHP дастурлари

PHP дастурлари икки усулда бажарилиши мумкин: Веб-сервер томонидан сценарий иловаси ва консол дастури сифатида.

Бизнинг мақсадимиз Веб иловаларни дастурлаш бўлгани учун асосан биринчи усулни кўрамиз.

PHP одатда Интернет билан боғлиқ дастурлар яратиш учун ишлатилади. Лекин PHP дан команда сатрлар интерпретатори, асосан UNIX тизимларда фойдаланиш мумкин. Охиргиси CORBA ва COM интерфейслар ҳамда PHP-GTK кенгайтмаси ёрдамида мумкин. Бу ҳолда қуйидаги масалаларни ечиш мумкин:

- Интерактив команда қаторлари ёрдамида иловалар яратиш;
- Кросс-платформали GUI иловаларни PHP-GTK библиотекаси ёрдамида яратиш;

Windows ва Linux учун баъзи масалаларни автоматизация қилиш

Серверга браузернинг мурожаат қилиши ёрдамида PHP-сценарийлари бажарилишини кўриб чиқамиз. Аввал браузер. PHP кенгайтмали саҳифани сўрайди, сўнгра Веб-сервер дастурни PHP машинадан ўтказди ва натижани html-код шаклида қайтаради. Агар стандарт HTML саҳифани олиб, кенгайтмасини .PHP га ўзгартирилса ва PHP машинадан ўтказилса, фойдаланувчига ўзгартирмасдан қайтаради. Бу файлга PHP командани кўшиш учун, PHP командаларни махсус теглар ичига олиш керак. Бу тегларнинг 4 хил шакли мавжуд бўлиб, ихтиёрийсидан фойдаланиш мумкин:

1. **XML** кайта ишлаш инструкцияси:
2. `<?php`

3. ...?>
4. **SGML** қайта ишлаш инструкцияси:
5. <?
6. ...?>
7. **HTML** сценарийлари қайта ишлаш инструкцияси:
8. <**script** language = "**php**">
9. ...
10. </**script**>
11. **ASP** услубидаги инструкция:
12. <%
13. ...
14. %>

Биз HTML ёки SGML услубига риоя қиламиз.

Хусусан бирор блок ичида PHP дан чиқиш мумкин, фақат кейинчалик яна унинг ичига кириб кодни тугатиш шарти билан, қуйидаги конструкция мумкин:

```

<?
  if(5<3){
    echo("<p>Hello, world!<p>");
  ?>
<p>Hello!</p>
// бу қатор PHP коди сифатида қаралмайди
// ва код блоки бажарилаётган бўлса чиқарилади
<?
  echo("<p>Hello, world!<p>");
  }
  ?>

```

PHP да ECHO командаси ВЕБ - саҳифаларда учрайдиган ҳар қандай маълумотни(матн, HTML ажратувчи символи, сон) чиқариш учун қўлланади. Унинг маъноси мисолда кўрсатилган.

Маълумотлар ва уларнинг типлари

Турли типдаги маълумотлар хотирадан турли хил жой эгаллайди ва уларни қайта ишлаш ҳам ҳар хил бўлади. Шунинг учун дастурлаш тилларининг кўпида ўзгарувчини эълон қилиш олдиндан бажарилиши талаб қилинади. PHP4 тили эса, бундай каттик талаблардан йироқ бўлиб бу типларни алоҳида эълон қилишни талаб қилмайди. Берилган қийматга қараб типни ўзи ажратиб олади.

Қуйидаги жадвалда PHP4 тилида фойдаланиладиган асосий типларни келтириб ўтайлик:

| Тип | Мисол | Берилиш |
|---------|---------|----------------|
| Integer | 5 | Бутун сон |
| Double | 3.234 | Ҳақиқий сон |
| String | “hello” | Симмволлар |
| Boolean | True | Мантиқий ифода |
| Object | | Объектлар |
| Array | | Массив |

PHP4 тилида шундай функция борки, у ўзгарувчи типини аниқлаб бера олади. Агар `gettype()` функцияси ичига ўзгарувчи номини берилса, у натижа сифатида типни беради. Қуйидаги мисолда

`gettype()` асосида турли хил қийматларни олувчи битта ўзгарувчи типини аниқлаш дастурини кўриб ўтайлик:

```
<html>
<head>
  <title> Ўзгарувчи типини аниқлаш </title>
</head>
<body>
<?php
$testingq5;
    print gettype($testing); // 1 integer;
```

```

    print <BR>;
    $testing='five';
print gettype($testing); // string;
    print <br>;
    $testingq5.12;
print gettype($testing); // double;
    print <br>;
    $testingqtrue;
print gettype($testing); // boolean;
    print <br>;
?>
</body>
</html

```

Бу дастур куйидаги натижаларни чоп қилиб беради:
:

```

Integer;
String;
Double
Boolean.

```

Ўзгарувчи типини ўзгартириш:

Ўзгарувчини типини ўзгартириш учун PHP4 да Set Type, функциясидан фойдаланилади. Бунинг учун функцияда ўзгарувчининг типини ва унинг янги типини кўрсатилиши лозим. SET TYPE функциясидан дастурдан фойдаланишни куйидаги мисол ёрдамида кўрайлик :

```

<html>
<head>
<title> Ўзгарувчи типини ўзгартириш </title>
</head>
<body>
<?php

```

```

$ss=3.14 ;
print gettype ($ss) ; // double
print “ - - $ss <br>” ; // 3.14
SetType ($ss, string);
print gettype ($ss) ; // srring
print “ - - $ss <br> “ ; // 3.14
SetType ($ss, Integer);
print gettype ($ss) ; // integer
print “ - - $ss <br> “ ; // 3
SETTYPE($SS, double);
print gettype ($ss) ; // double
print “--$ss <br>”; // 3.6
?>
</body>
</html>

```

Операторлар ва ифодалар:

Оператор - бу, бир ёки бир неча қийматлардан янги қийматларни ҳосил қилишда ишлатиладиган символ ёки символлар тўплами.

Операнда - бу, оператор ёрдамида қўшилувчи қиймат ёки ўзгарувчи.

Масалан: иккита операнда ва битта оператор ёрдамида янги сон ҳосил қилишни кўрайлик:

Бу ерда 4 ва 5 лар операнда «Q» оператор ҳисобланади.

Ифода бу, операторлар ёрдамида бажарилувчи ихтиёрий сон, ўзгарувчи ва функцияларнинг комбинацияси ҳисобланади. PHP 4 тилида ўзлаштириш операторларини «=» белигиси билан белгиланади. Масалан, print(\$name=”боб”);

PHP4 да ишлатилувчи асосий арифметик операторни қуйидаги жадвал кўринишида келтириб ўтайлик:

| Оператор | Номланиши | Мисол | Натижа |
|----------|--------------------|-------|---------|
| Q | қўшиш | 10Q3 | 13 |
| - | айириш | 10-3 | 7 |
| / | бўлиш | 10/3 | 3,33333 |
| * | кўпайтириш | 10*3 | 30 |
| % | модул бўйича бўлиш | 10%3 | 1 |

Ўзлаштиришнинг қўшимча операторлари:

Аслида ўзлаштириш оператори битта, лекин бир нечта арифметик ва ўзлаштириш операторлари комбинациясидан ташкил топган операторлар ҳам мавжуд. Бу операторларни қуйидаги жадвалда келтириб ўтайлик:

| Оператор | Мисол | Эквиваленти |
|----------|-------------|----------------|
| + = | $x+=5$ | $x=x +5$ |
| - = | $x-=5$ | $x=x -5$ |
| / = | $x/=5$ | $x=x /5$ |
| * = | $x*=5$ | $x=x *5$ |
| % = | $x%=5$ | $x=x \%5$ |
| . = | $x.='test'$ | $x= $x.'test'$ |

Солиштириш операторлари.

Солиштириш операторлари иккита операндани солиштириш учун ишлатилади. Улар иккита операндани солиштириш натижаси тўғри бўлса “true” акс ҳолда “false” натижасини беради. Қуйида солиштириш операторлари келтирилган жадвални келтириб ўтайлик:

| Оператор | Номланиши | Бажарилиш шарти | Мисол | Натижа хқЗда |
|----------|-----------|---------------------------------------|--------------|-----------------|
| = | Тенглик | Чап ва ўнг операндлар тенг | $\$x = 5$ | False |
| ≠ | Тенг эмас | Чап ўнга тенг эмас Тенг ва бир хил | $\$x \neq 5$ | True |
| == | Бир хил | | $\$x == 5$ | False |

Ўзгармаслар:

Ўзгарувчилардан фойдаланиш маълумотларни сақлаш ва қайта ишлашнинг энг ажойиб усулларида бири ҳисобланади. Биз бу ўзгарувчилар қийматини, ҳаттоки типини хоҳлаган вақтимизда ўзгартира олишимиз мумкин. Бунинг учун ўзгармаслардан фойдаланишимиз зарур.

PHP4 да ўзгармаслар билан ишловчи `define()` функцияси мана шу мақсадда ишлатилади. Ўзгармасни ташкил этиш учун `define ()` функциясида ўзгармас номи ва унинг қиймати берилса

Define (“номи”,42)

Қуйидаги ўзгармасдан фойдаланиш дастурда қандай ишлатилишига мисол сифатида келтириб ўтаемиз:

```

<html>
<head>
<title> Ўзгармасларни ташкил этиш </title>
</head>
<body>
<?php
define("USER",Gerald);
print "Welcome".USER;
?>
</body>
</html>

```

PHP да яна бир имконият борки, у фойдаланувчига автоматик равишда бир нечта ўзгармас ташкил этиб беради. Масалан, `_FILE_` ўзгармаси фақат фойдаланилаётган актив файл номини ўзида сақлайди. `_LINE_` ишлатилаётган файлдаги актив қаторни аниқлаб беради ва х.к.

Файллар билан ишлаш

Файлларни очиш:

Файл бирор маълумот сақлаш физик қурилмасидаги байтлар кетма кетлигидир. Ҳар бир файл жойлашувини кўрсатувчи абсолют йўлга эга. Йўл ажратувчиси сифатида windows да тўғри `setch (/)` ёки тескари `serch (\)` ишлатилиши мумкин. Бошқа операцион тизимларда фақат тўғри слеш ишлатилади.

Файлларни сервер **faul** тизимида очиш фопен функцияси ёрдамида амалга оширилади: Файл муваффақиятли очилганда, **fopen** функцияси файл дескрипторини қайтаради, акс ҳолда

false қайтаради. **Faул Descriptor** очилган файлга кўрсаткич бўлиб, операцион тизим томонидан шу файл билан амалларни қўллаш учун ишлатилади.

Қуйида келтирилган код, C:/WWW/HTML/file.txt файлини ўқиш учун очади:

```
<?
$file = fopen("c:/www/html/file.txt","r");
if(!file)
{
    echo("Файл очиш хатолиги ");
}
```

1.2. HTML ва CSS ҳақида маълумот.

Гиперматнлар тили (HTML) веб-браузерлар экранига маълумотларни стандарт кодлар орқали чоп этиш имкониятини беради. HTML дан фойдаланиб ўзида тахрирланган матн, тасвир, мултимедия элементларини акс эттирган веб-саҳифаларни яратиш мумкин.

HTML ни дастурлаш тилларидан фарқлаш лозим. HTML ни веб-браузерларга матн ёки тасвирларни қай ҳолатда чоп этиш кўрсатмалар тўплами дейиш ҳам мумкин. Масалан HTML хужжат ўзида қуйидаги матнни акс эттирган бўлсин:

```
<h1><b> Менинг саҳифамга хуш келибсиз </b></h1>
```

Бу матндаги <h1> ва </h1> теглари асосий матнни ўртага олиб турибди. Веб-браузер тушунадикки, бу теглар ўртасидаги матн 1-даражали катталиқдаги сарлавҳа ҳолатида экранга чоп этилиш керак. ва теглари эса, улар ўртасидаги матн қалинлаштирилган ҳолда ёзилиши кераклигини билдиради.

Бутунжаҳон ўргимчак тўрининг асосий ва HTML нинг таркибий қисмини гиперматнлар ва гипермуружаатлар ташкил этади. Махсус командалар ёрдамида матннинг маълум қисми шундай ажратиладики, натижада ўша матн устига сичқон тугмаси босилса бошқа матн ёки саҳифа очилади. Бундан ташқари мултимедия воситаларининг ишлаб кетиши ёки бўлмаса, маълумотни дискда сақлаш таклифи ҳам берилиши мумкин.

Гиперматн ёки гипермуружаат бирор бир тасвирга ҳам қўйилиши мумкинки унинг устига босилганда ҳам юқорида айтилган ҳолатлар рўй бериши мумкин.

Ҳар бир веб-саҳифа ўзида бир нечта гиперматн ёки гипермуружаатларни мужассам этиши мумкин.

Интернет хизматларининг кўпчилигига доступ (рухсат, йўл) адресация схемаси (URL) ёрдамида қизиктирилган ихтиёрий хужжатни

топиш имкониятини беради. Ҳар бир тур бошқасидан фарқ қилувчи ўзининг формат адресига эга.

Windows мухитидаги матн муҳаррирлари: Notepad++, Textpad,. Кўрсатилган ҳамма матн муҳаррирлари ёрдамида HTML кодларни ёзишда қўллаш мумкин.

Кўпгина матн муҳаррирларида HTML кодларни ҳатто программалаштириш тилларида кодларни ёзиш жуда қулай. Баъзилари автоматик равишда операторлар, функцияларни таниш ва уларни хар-хил рангларда тасвирлаш имкониятига эга. Баъзи матн муҳаррирларида HTML ҳужжатни веб браузерда синаб кўриш тугмаси мавжуд.

Notepadни очамиз. HTML файлни яратишни бошлаймиз.

Сарлавха ёзиш учун:

```
<head>
```

```
</head>
```

теглари ёзилади.

Браузер бу теглар ўртасидаги матнни сарлавха деб тушунади ва Браузернинг энг тепа қисмига шу матнни ёзади. Энди саҳифанинг танасини ҳосил қиламиз:

```
<body>
```

```
</body>
```

Бу теглар ўртасига ҳамма матн ва тасвирларни жойлаштириш керак. HTML шаблон бўлиши учун HTML саҳифанинг сарлавха ва танасини ўз ичига олган куйидаги зарур теглар етишмаяпти:

```
<html>
```

```
</html>
```

Демак HTML шаблон куйидаги кўринишга эга бўлди:

```
<html>
```

```
<head>
```

```
</head>
```

```
<body>
```

```
</body>
```

`</html>`

`<head>` ва `</head>` теглари ўртасига қуйидаги тегларни жойлаштириш мумкин:

`<title>`, `</title>` – ҳужжат номи. Масалан:

`<title> Фаргонакувуртаъминот веб саҳифаси </title>`

`<meta />` – маълумотлар ҳақидаги маълумот. Яъни бу ерда асосий терминлар ёзилади. Қидирув системалари ишлаганда айнан шу терминлар бўйича қидириш ишини олиб боради, сайтларни топади. Масалан:

`<body>` ва `</body>` теглари ўртасига саҳифанинг танаси жойлаштирилади. Бу соҳада Браузер ойнасида фойдаланувчи кўриши керак бўлган матн, гипермуружаат, тасвирлар, жадваллар, ... ни жойлаштириштирилади.

`<p>` `</p>` теглари улар орасидаги матнни алоҳида абзатс кўринишида ёзилишини таъминлайди. Масалан:

`<p> Бу янги маълумот </p>`

`<p>` `</p>` – бўш абзац жойини ташлайди.

Матн муҳаррирлари ёрдамида HTML кодни ёзганда бўш жой ва абзатсларни аҳамиятга эга эмас. Яъни

`<p> Бу янги абзац </p>`

билан

`<p> Бу`

`янги`

`абзац </p>`

ёзувлари браузер ойнасида бир хил кўринишга эга бўлади.

Агар ёзувни янги абзатсдан эмас, янги қатордан бошлаш керак бўлса, `
` тегидан фойдаланиш мумкин. Масалан

Веб саҳифани яратишда ҳамма файлларни тўғри сақлаш керак. Кейин сайт яратувчиси ўзи ҳоҳлаган натижага эришганлигини текшириб кўриши керак.

CSS ҳақида маълумот.

HTML тилидек стиллар жадвали ҳам бир нечта спетсификацияларга эга. Биз CSS (Cascading Style Sheets) стандартдан фойдаланамиз. У жуда кўплаб веб-публикацияларда қўлланилиб, ҳозирги кунда ҳамма замонавий график браузерлар у билан ишлай оладилар.

`` элементи **face**, **size**, **color** каби атрибутларга эга. У атрибутлар ўз ичига олган матнга тегишли булади.

```
<font face= "Arial" size= "2" color="blue"> Хуш келибсиз ...</font>
```

face атрибутида шрифтлар рўйхати келтирилади. Агар фойдаланувчида биринчи шрифт бўлмаса, иккинчисидан у бўлмаса, учинчисидан фойдаланилади.

size атрибути 1 дан 7 гача қиймат қабул қилади. Бундан ташқари, охирига ўлчамдан катта ёки кичик ўлчамда фойдалаш имконияти ҳам мавжуддир. Бунинг учун `size="-2"` каби ёзилиб, унинг натижаси энг охириги ўлчамдан икки ўлчам кичик ўлчамда ёзилади.

color атрибути шрифт рангини билдиради. У ранг номи (ред, грее, еллоу, блуе, ...) ёки 16 лик ўлчамда ҳам фойдаланиши мумкин.

`<center>` контейнеридан фойдаланиб саҳифанинг ўртасига матн, тасвир, гипермуружаат, ... лар каби ихтиёрий элементни жойлаштириш мумкин, ҳатто мултимедиаларни ҳам.

Стиллари икки усулда яратиш мумкин.

1. Стиллари ҳақидаги маълумотларни `<head>`, ... `</head>` секцияси ичига жойлаштириш мумкин.

2. Саҳифани алоҳида стиллар аниқланадиган файл билан боғлаб қўйиш мумкин.

Style атрибути.

```
<a href= "index.html" style=text-decoration: none"> Бош саҳифа </a>
```

ёки

```
<table>
```

```
<tr> <td style= "width:200">100</td>
```

```
<td style= "width:300">100</td>
</tr>
</table>
```

каби ишлатиш мумкин.

Style элементи.

Агар яратилаётган веб-саҳифа 2-3 саҳифадан иборат бўлса, style атрибути кўплаб қўлланилишига тўғри келади. Бутун саҳифага бир хил стил қўлламоқчи бўлсак, style элементини қўллаш қулайроқдир:

```
<head>
<style type= "text/css">
p {font-style: italic}
</style>
</head>
```

style элементини қўллаш умумий ҳолда қуйидагичадир:

```
<head>
<style type="text/css">
Элемент номи {хусусияти: қиймати}
</style>
</head>
```

Натижада ҳамма элементлар веб-саҳифада бир хил стилга эга бўлади ва бир хил ифодаланади.

Бундан ташқари бир нечта элемент хоссаларини ҳам бирданига бериш мумкин:

```
<head>
<style type= "text/css">
p {font-style: italic}
h1 {color: blue}
ul {list-type: disc}
</style>
```

```
</head>
```

Бир элементнинг бир неча хоссаларини ҳам бирданига бериш мумкин:

```
<head>
```

```
<style type="text/css">
```

```
p {font-style: italic;  
      background: yellow;  
      padding-left: 12 px;  
}
```

```
</style>
```

```
</head>
```

тушуниш осонроқ бўлиши учун ҳамма хусусиятларни алоҳида каторларга ёзиш тавсия этилади.

Агар бир неча элементга бир хил стил бериш керак бўлса қуйидагича ёзиш мумкин:

```
<head>
```

```
<style type="text/css">
```

```
p, h1, h2, ul, ol {font-family: Times New Roman}  
</style>
```

```
</head>
```

Бундан ташқари бутун саҳифада ҳам ҳар хил стиллардан фойдаланиш мумкин:

```
<head>
```

```
<style type="text/css">
```

```
body { font-family: Times New Roman; font-size: 12 pt}  
ul { font-size: 10 pt}  
</style>
```

```
</head>
```

Махсус синфларни яратиш. Стиллар жадвали ёрдамида алоҳида элементларнинг хусусиятларини эмас, балки, махсус синфларни яратиш ҳам мумкин. Қуйидаги мисол билан танишинг:

```

<head>
<style>
H1.qizil {color: red}
</style>
</head>
<body>
<h1> Оддий сарлавҳа </h1>
<h1 class= "qizil"> Оддий бўлмаган, қизил сарлавҳа</h1>
</body>

```

Бу мисолда **h1.qizil** селектори одатий **h1** элементи ўрнига ишлатилди. Бу ерда кўрсатилган стиллар фақатгина **class** атрибути қўлланилган жойда ишлайди. Бунинг афзаллиги шундаки, бир элементнинг ўзини бир неча хил стилларда ифодалаш имконияти пайдо бўлади.

1.3.PHP технологияларида маълумотлар базасини яратиш.

MySQL ҳақида тушунча.

Маълумотлар Базаси ва WWW

Маълумотлар базаси ўта тез ривожланган ҳамда MySQL ва SQL ўзини кўрсатган соҳа, Интернет учун дастурлар яратишдир. Интернет учун мураккаб ва ишончли дастурларга эҳтиёж ошган сари маълумотлар базасига эҳтиёж ҳам ошиб бормоқда. Сервер маълумотлар базаси Интернетда кўп функцияларни қўллаши мумкин. Ҳар қандай веб- саҳифа маълумотлар базаси томонидан бошқарилиши мумкин.

Бундан ташқари Интернет каталогни мавжуд буюртмаларни қайта ишлаш электрон тизимлари билан интегратсия қилиш имконияти туғилади. Шундай қилиб бундай веб-сайтни бошқариш учун маълумотлар базасидан фойдаланиш сотувчига ҳам олувчига ҳам қулайликлар туғдиради.

MySQL тарихи

Унинг ихтирочисидан Майкл Видениус (яна Монти сифатида маълум) швед компанияси TsX ходими маълумотлар базаси билан 1979 йилдан бери ишлайди. Яқин пайтгача Видениус TsX да фақат дастурчи эди.

1994 йилда TsX WWW учун Амалий дастурлар ярата бошлади ва бу лойиҳани қўллашда UNIREG дан фойдаланди. Бахтга қарши, UNIREG катта харажатлар талаб қилгани учун, ундан веб-саҳифаларни динамик генерация қилиш учун муваффақиятли фойдаланиб бўлмади.

1995 йил май ойига келиб TsX компания ички талабларини каноатлантирувчи маълумотлар базаси - MySQL 1.0 га эга эди. Фирма бизнес-партнери Детрон ХБ дан Давид Аксмарк (David Axmark) TsX га ўз серверини Интернетда кўрсатишни таклиф қилди. Серверни Интернетда кўрсатишдан мақсад - биринчи бўлиб Аладдин Петер Дейч (Aladdin Peter Deutsch) қўллаган бизнес моделдан фойдаланишдир. Натижада MySQLни SQL га нисбатан «текинроқ» қилувчи ўта мослашувчан авторлик ҳуқуқлари олинди.

MySQL маълумотлар базасида ишлатиладиган маълумотлар типлари.

Бутун сонлар

Маълумотлар типини кўрсатиш умумий формаси:

prefix int [unsigned]

Шарт бўлмаган байроқ УНСИГНЕД иорасиз сонлар (ў га тенг ёки катта)

сонлар сақлаш учун майдон яратишни билдиради.

| | |
|-----------|--|
| TINYINT | Диапазони -128 дан 127 гача сонларни сақлаши мумкин |
| SMALLINT | Диапазони -32 768 дан 32 767 гача сонларни сақлаши мумкин |
| MEDIUMINT | Диапазони -8 388 608 дан 8 388 607 гача сонларни сақлаши мумкин |
| INT | Диапазони -2 147 483 648 дан 2 147 483 647 гача сонларни сақлаши мумкин |
| BIGINT | Диапазони -9 223 372 036 854 775 808 дан 9 223 372 036 854 775 807 гача сонларни сақлаши |

мумкин

Каср сонлар

MySQL да бутун сонлар бир неча турга ажратилганидек, каср сонлар ҳам бир неча турга ажратилади.

Умумий холда улар қуйидагича ёзилади:

TipNomi[(length, decimals)] [UNSIGNED]

Бу ерда – каср узатилишда жойлашадиган белги жойлари сони (майдон, кенглиги).

decimals – ўнли нуқтадан сўнг ҳисобга олинувчи рақамлар сони.

| | |
|----------|---|
| UNSIGNED | ишорасиз сонларни беради. |
| FLOAT | Аниқлиги унча катта бўлмаган сузувчи нуқтали сон. |
| DOUBLE | Иккилик аниқликка эга бўлган сузувчи нуқтали сон. |
| REAL | DOUBLE учун синоним. |
| DECIMAL | Сатрлар шаклида сақланувчи каср сон. |
| NUMERIC | DECIMAL учун синоним. |

Бу типдаги майдонга бирор қиймат киритилганда ундан охирини кўрсатувчи символлар автоматик равишда қирқиб олинади. Агар BINARY байроғи кўрсатилган бўлса, SELECT сўровда сатр регистрни ҳисобга олган холда солиштирилади.

| | |
|------------|---|
| VARCHAR | 255 дан ортиқ бўлмаган символларни сақлаши мумкин. |
| TINYTEXT | 255 дан ортиқ бўлмаган символларни сақлаши мумкин. |
| TEXT | 65 535 дан ортиқ бўлмаган символларни сақлаши мумкин. |
| MEDIUMTEXT | 16 777 215 дан ортиқ бўлмаган символларни сақлаши мумкин. |

LONGTEXT 4 294 967 295 дан ортиқ бўлмаган символларни сақлаши мумкин.

Сана ва вақт

MySQL сана ва вақтни ҳар хил форматларда сақлаш учун мўлжалланган майдонлар бир неча типларини қўллайди.

DATE ГГГГ-ММ-ДД форматдаги сана

TIME СҲСҲ:ММ:СС форматдаги вақт

DATETIME ГГГГ-ММ-ДД СҲСҲ:ММ:СС форматдаги сана ва вақт тиместамп форматдаги сана ва вақт. Лекин майдон қийматини олишда у тиместамп форматида эмас,

TIMESTAMP

Маълумотлар базасини яратиш MySQL (CREATE DATABASE).

Маълумотлар базаси CREATE DATABASE командаси ёрдамида яратилади.

Команда синтаксиси :

CREATE DATABASE DROP DATABASE

? *database_name* – Маълумотлар базасига бериладиган ном.

MySQL маълумотлар базасини ўчириш (DROP DATABASE)

Маълумотлар базасини ўчириш учун *DROP DATABASE* командасидан фойдаланилади.

Синтаксис:

DROP DATABASE database_name

Бу ерда

database_name – ўчириш керак бўлган маълумотлар базаси номи.

USE.

Жадваллар билан ишлаш учун MySQL га қайси база билан ишлаш ҳақида маълумот бериш керак. Бу USE командаси ёрдамида амалга оширилади:

USE db_name;

MySQL маълумотлар базасида жадвал яратиш (CREATE TABLE)

Жадвал яратиш *CREATE TABLE* командаси орқали амалга оширилади.

CREATE TABLE table_name(column_name1 type, column_name2 type,...)

table_name – Янги жадвал номи;

column_name – яратилаётган жадвал устунлари (майдонлари), номлари.

type – устун тип.

SHOW Командалар

Маълумотлар базаси муваффақиятли яратиганини текшириш учун, компьютерингизда қандай маълумотлар базаси мавжудлигини кўрсатувчи *SHOW DATABASES* командасини бажариш мумкин:

mysql> SHOW DATABASES;

Ҳамма жадваллар муваффақиятли яратилганига ишонч хосил қилиш учун, *SHOW TABLES* командасини бажарамиз.

DESCRIBE

DESCRIBE Командаси яратилган жадваллар структурасини кўрсатади ва қуйидаги синтаксисга эга:

DESCRIBE table_name

Бу эрда *table_name* – структураси сўралаётган жадвал.

DESCRIBE Команда *СҚЛ* стандартига кирмайди ва *MySQL* ички командасидир.

MySQL маълумотлар базасидан жадвални ўчириш (DROP TABLE)

Жадвални **Ўчириш** учун *DROP TABLE* командасидан фойдаланилади

DROP TABLE table_name

table_name – ўчирилаётган жадвал номи.

Жадвал хоссаларини ўзгартириш: Жадвални қайта номлаш

(ALTER TABLE RENAME).

Жадвалга янги ном бериш куйидаги конструксия ёрдамида амалга оширилиши мумкин:

```
ALTER TABLE table_name_old RENAME table_name_new
```

бу ерда

table_name_old - жадвал эски номи;

table_name_new – жадвал Янги номи.

Жадваллар хоссаларини ўзгартириш: Устунлар қўшиш (ALTER TABLE ADD)

Янги устун қўшишни куйидаги конструксия ёрдамида амалга ошириш мумкин:

```
ALTER TABLE table_name ADD field_name parametrs
```

бу ерда

table_name – янги устун қўшиладиган жадвал номи;

field_name – қўшилаётган устун номи;

parametrs – қўилаётган устунни тасвирловчи параметрлар.

Маълумотлар типини кўрсатиш мажбурий параметрдир.

Жадвал хоссаларини ўзгартириш: Устун хоссаларини ўзгартириш (ALTER TABLE CHANGE)

Бир ёки бир неча устунлар хоссаларини куйидаги конструксия ёрдамида ўзгартириш мумкин:

```
ALTER TABLE table_name CHANGE field_name_old field_name_new parametrs
```

table_name – ўзгартирилаётган устун жойлашган жадвал номи;

field_name_old – ўзгартирилаётган устун номи;

field_name_new – ўзгартирилаётган устун янги номи (агар устун номи ўзгартирилмаса *field_name_old* га тенг);

parametrs – устун янги параметрлари.

Жадвал хоссаларини ўзгартириш: Устунларни ўчириш (ALTER TABLE DROP)

Устунни куйидаги конструксия ёрдамида ўчириш мумкин:

ALTER TABLE *table_name* **DROP** *field_name*

бу ерда

table_name – устуни ўчирилаётган жадвал номи;

field_name – ўчирилаётган устун номи.

Жадвалга сатрлар қўшиш (INSERT INTO)

Ўзувларни жойлаш учун **INSERT INTO** командасидан фойдаланилади.

INSERT INTO *table_name*(*field_name1*, *field_name2*,...) values('content1', 'content2',...)

Бу команда *table_name* жадвалига *field_nameN* майдонларига *contentN* қиймат ўрнатилган ўзув қўшади.

Жадвалдан сатрларни ўчириш (DELETE FROM)

Ўзувни ўчириш учун **DELETE FROM** командаси ишлатилади

DELETE FROM *table_name* **WHERE** (*шароит*)

ЛОЙИҲА ҚИСМИ

2.1. Веб сайт учун техник топшириқ.

Веб сайт яратишдан аввал дастлаб техник топшириқ тузилади. Техник топшириқни асосан буюртмачи тузади, яъни унда сайт қандай бўлиши, унга қандай қўшимча талаблар қўйилиши ҳақида маълумотлар акс этади.

Ўзбекистон Анъанавий Таеквон-до Фердератсиясининг расмий веб сайти учун техник топшириқ:

Сайт номи(домен): www.uzbekistan-itf.uz

Сайт номланиши: Ўзбекистон Анъанавий Таеквон-до Фердератсиясининг расмий веб сайти

Сайт яратишдан мақсад: Таеквон-дога доир маълумотлар, республикамизнинг вилоят, туманларидаги спорт марказларининг раҳбарлари ва манзиллари ҳақидаги маълумотларни доимий равишда бериб бориш. Бундан ташқари мусобақаларнинг сўнгги натижалари, янгиликлари, халқаро Федерацияларнинг манзиллари, эмаил, сайт номлари, тел номерлари каби маълумотларга эга бўлиш мақсадида кенг имкониятлар билан яратилди.

Сайт тили: ўзбек

Сайт булимлари:

а) Asosiy qism

б) Yangiliklar

с) Ma'lumotlar

д) Media

Биз яратган сайтга қуйидаги талаблар қўйилган:

Сайт асосан 2(икки) катта қисмга булинган ҳолда:

Сайтнинг ташқи қисми: Бу қисми баннер, меню, чап ва о`нг панел, асосий контент ва фюотер қисмларидан иборат бўлиб, фойдаланувчилар ўзлари учун зарур маълумотларни олиш имконияти мавжуд. У қуйидаги тартибда булади:

1) Юқори қисми баннер қисми бўлиб, унда шу Ўзбекистон таеквон-до марказининг логотипи, сайт номи, халқаро таеквон-до марказининг

асосчиси ва ҳозирги кундаги марказ президентининг расми, халқаро логотиплар Пхотошоп дастури ёрдамида тайёрланган расм кўринишида тасвирланади.

2) Меню қисми уз навбатида б(олти) булимдан ташкил топади. Менюда дастлаб Асосий қисм деб номланган бўлим: бу бўлимда дастлаб фойдаланувчи сайтга кирганда дастлабки кўриниб турадиган ҳолат яъни, янгиликларнинг энг сўнгилари жойлашган бўлиб, бошқа бўлимларга кирилгандан сўнг бош қисмга қайтишни истаганда “Asosiy qism” босиш орқали юқоридаги кўринишга қайтади. “Yangiliklar” қисми: бу қисмда эълонлар, мусобақалар ва янгилар каби бўлимлар асосида тартибланган бўлиб шу бўлимлардан бири танланса уша булимда сақланган янгилик асосий қисмда пайдо бўлади. “Ma'lumotlar” қисми: бу қисм республикмиз вилоятларининг номлари ва халқаро каби бўлимлардан иборат бўлиб бу бўлимлардан бирини танлаш орқали керакли маълумотларга эга бўлиш мумкин. “Media” қисми: бу қисмда фото бўлими мавжуд бўлиб уни босиш орқали асосий қисмда фотоларнинг бўлимлари келтирилади ва керакли бўлимни танлаш орқали расмларни кўриш мумкин бўлади. Кириш қисми: бу қисмни босиш орқали администраторлик панелига ўтиб кетишимиз мумкин бўлади. Яъни кириш босилса логин ва парол сўраш ойнаси очилади ва бу ойнага керакли парол ва логинни териш орқали ўтиш мумкин. Менюнинг сўнгги қисмида қидирув жойлашган бўлиб у орқали керакли маълумотларни осонгина топиш имконияти мавжуд бўлади. Сайтнинг content қисми 3(уч) бўлимдан иборат бўлиб, унинг чап томонида чап панел, ўртада асосий қисм ва ўнг томонда эса о`нг панел жойлашган бўлади. Ушбу сайтнинг чап панелида фойдаланувчилар учун янгиликларнинг сарлавҳалари келтирилган. Керакли сарлавҳани танлаш орқали тўлиқ матнни асосий қисмида кўриш мумкин бўлади. Чап панелнинг пастки қисмида календар жойлашган бўлиб, ундан фойдаланиш мумкин. Сайтнинг о`нг панелида эса Ўзбекистон таеквон-до маркази раҳбарининг расми, лавозими ва халқаро сертификат расми жойлашган. Ўнг панелнинг пастки қисмида об-ҳаво маълумотларини

олишимиз мумкин бўлади. Асосий қисмида танланган барча силкаларнинг маълумотлари бегиланган тартиб асосида кўриниш имкониятига эга бўлади.

3) Сайтнинг footer(пастки) қисмида шу шу сайтнинг номи келтирилган.

2.2.Ўзбекистон Таеквон-до Федерацияси Марказининг веб сайти учун маълумотлар базасини лойихалаштириш.

Ўзбекистон Таеквон-до Федерацияси Марказининг электрон веб сайтини яратишда бу сайтга учун MySQL маълумотлар базасидан фойдаланилган. Бу яратилган веб сайт учун битта база ва 11(ўн бир)та таблицса(жадвал)дан фойдаланилган бўлиб, у бевосита веб саҳифага SQL сўровлари ёрдамида боғланган. Электрон веб сайт яратиш давомида яратилаётган база учун ном ва уни таркибига кирувчи ҳар бир таблицса(жадвал) номланади. Бу яратилган веб сайт учун бизнинг базамиз номи “saytga” ва у веб саҳифага қуйдагича боғланади.


```
<?
```

```
mysql_connect("localhost","root","");
```

```
mysql_select_db("saytga")or die("bazaga ulanmadi".mysql_error());
```

```
?>
```

Бу ерда “mysql_connect” SQL буйруғи ва қавс ичида келаётган “localhost” урнига интернетга урнатиш жараёнида хостинг номи, “root” урнига эса парол қуйилади. “Or die” буйруғи ёрдамида эса базага уланиш жараёнидаги ҳатоликни куриш мумкун бўлади. “Mysql_select_db("saytga")” буйруғи билан эса мавжуд булган ва уланиши керак булган маълумотлар базаси курсатилади. Шу тариқа веб саҳифа маълумотлар базасига уланади.



2.2.1-расм(базанинг умумий кўриниши).

Куриб турганингиздек(2.2.1-расм) бу яратилган малумотлар базаси 11(ун бир)та таблитсадан(жадвалдан) иборат.

Биринчи жадвал “bo’limlar” деб номланади. Бу жадвал 2(икки)та майдондан иборат булиб, улар “id”-тартиб рақами ва “bnomi” яъни бўлим номи. Тартиб рақамини ҳар доим такит майдон қилиб танлаш мақсадга мувофиқ булиб кейинчалик бирон малумотни бошқа жадвалдан олиниши керак булса SQL суров ёрдамида шу “id” даги маълумот чақирилиб олинади.

Иккинчи жадвал “bo’limvil” деб номланади: Бу жадвал 2(икки)та майдондан иборат болиб, улар “id”(int типиди), “bnomi”(varchar типиди) каби майдонлардан ташкил топган

Учинчи жадвал “chap uchun” жадвали болиб, у 4(тўрт) та майдондан ташкил топган. Улар “id”(int типиди), “sarlavha”(varchar типиди), “yangilik”(text типиди), “vaqt”(datetime типиди).

Тўртинчи жадвал “chbo’lim” жарвали. Бу жадвал 2(икки)та майдондан иборат болиб, улар тартиб рақами “id”(int типиди), “chbnoimi”(varchar типиди)каби жадваллардан ташкил топган.

Бешинчи жадвал “foydalanuvchi” жадвали. Бу жадвал 6(олти) та, “id”(int типиди), “login”(varchar типиди), “parol”(varchar типиди), “fam”(varchar типиди), “ism”(varchar типиди), “holat_id”(int типиди).

Олтинчи жадвал “galereya” жадвали. 6(олти) та жадвалдан иборат. “id”(int типиди), “nomi”(varchar типиди), “гб_ид”(int типиди), “ma'lumot”(varchar типиди), “fayl”(varchar типиди), “kir_vaqt”(datetime типиди) бўлиб, расмларни юклаб олишга доир ҳолатлар учун.

Еттинчи жадвал “galereya_bolim” жадвали. У иккита майдондан ташкил топган болиб, “id”(int типиди), “gbnomi”(varchar типиди).

Саккизинчи жадвал “holat” жадвали 2(икки) та “id”(int типиди), “status”(varchar типиди), жадвалидир.

Тўққизинчи жадвал “viloyat” 6(олти) та “id”(int типиди), “sarlavha”(varchar типиди), “yangilik”(text типиди), “muallif_id”(int типиди), “bolimvil_id”(int типиди), “kir-vaqt”(datetime типиди)

Ўнинчи жадвал “xabar” 8(саккиз)та майдондан ташкил топган. “id”(int типиди), “sarlavha”(varchar типиди), “matn”(text типиди), “email”(varchar типиди), “fish”(varchar типиди), “vaqt”(datetime типиди), “javob”(text типиди), “kalit”(varchar типиди).


Ўн биринчи жадвал “yangilik” жадвали болиб, у 6(олти) та “id”(int типиди), “sarlavha”(varchar типиди) “yangilik”(varchar типиди), “muallif_id”(int типиди), “bolim_id”(int типиди), “kir_vaqt”(datetime типиди).

2.3. Сайтни яратиш.

Денверни ўрнатиш.


Денвер нима?. Денвер – PHP MySQL, Apache, Sendmail дастурларини бир-бирига мослаштирилган дастурлар тўплами. Бу Денверни асосий стандарт версиясига кирадиган дастурлар. Лекин Денверни қўшимча дастурларини алоҳида ўрнатиш мумкин.

Демак, денверни ўрнатишни бошладик. Бунинг учун дастлаб Денвернинг установчигини топамиз.




2.3.1-расм(денвер дастури).

Тоғиб олганимиздан сўнг, сичқонча ёрдамида чап рарафини икки марта босган ҳолда уни ўрнатишни бошлаймиз.




2.3.2-расм (Да тугмасини босиш кераклиги).

2.3.2-расмда агарда бу базавий пакетни ўрнатишни хоҳласангиз “Да” тугмасини босиш керак бўлади. “Да” тугмаси босилганда сўнг 2.3.3-расм ҳолати пайдо бўлади.




2.3.3-расм(ўрнатиш давом этиши).

Ўрнатиш жараёни 100%га етгач Интернет эхплоре ойнаси очилади.




2.3.4-расм(explore ойнасининг очилиши).

Бу ойнадан эхплорени ёпишимиз керак бўлади. Уни ёпганимиздан сўнг денверни ўрнаш жараёни давом этади.




2.3.5-расм(ўрнашнинг давом этиши).

Бу ойнадан “Ентер” тугмасини босиш оркали жараён давом этади.




2.3.6-расм(керакли папкани яратишни сўраш).

2.3.6-расмда кўрсатилган ҳолатда компютеримизнинг “С” дискидан “Web server” папкаси автоматический яратилади. Бу папкани хоҳишимизга қараб ўзгартиришимиз ҳам мумкин. Биз ўз ҳолича қолдирамиз ва энтерни босамиз.




2.3.7-расм(у ёки n ни танлаш кераклиги).

2.3.7-расмда у/n ҳолати келтирилган. Бу ҳолатдан у ни босиб ўтиб кетамиз.




2.3.8-расм(enterни босиш сўралиши).

Энтерни босамиз.



2.3.9-расм(2та холдан бирини танлаш).

Бу ҳолатда бизга 2та вариант берилди. Яъни 1 рақамини босиб энтерни босадиган бўлсак, операцион системамиз ишга тушиши билан денвен ҳам ишга тушади. 2 ни босадиган бўлсак, қачонки ўзимиз “denverнинг “start” ҳолатини босмагунимизча ишга тушмайди.




2.3.10-расм(2та холдан бирини танлаш).

